



Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 152 (13.485)

Баҳоси эркин нарҳда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

### Ягонасан, муқаддас Ватан!

МУСТАҚИЛЛИК • INDEPENDENCE • MUSTAQILLIK  
26  
O'ZBEKISTON

**Ватан тараннум  
этилган  
қўшиқларни  
тинглаганда инсон  
руҳини ғурур-  
ифтихор туйғулари  
эгаллайди.**



## СЎНМАС ИЛҲОМ МАНБАИ

“Ягонасан, муқаддас Ватан!” республика танловининг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизими бўйича якуний босқичида ижро этилган қўшиқлар ана шундай жозибаси ва оҳангдорлиги билан ажралиб турди. Мустақиллигимизнинг 26 йиллигига бағишлаб ўтказилган мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги ўринбосари А.Мирзаев ва бошқалар мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, биз танлаган тараққиёт йўли осойишта ва фаровон турмушимиз омили бўлиб, истиқлолимизни асраб-авайлаш, Ватанимизга содиқ хизмат қилиш барчамизнинг муқаддас бурчимиз эканини таъкидлади.

Истиқлолимизни тараннум этишга қаратилган энг яхши қўшиқ ва мусика асарлари учун “Ягонасан, муқаддас Ватан!” республика танлови ёшларимизни, осойишталигимиз йўлида камарбаста бўлаётган посбонларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, улар онгида фидойилик ва дахлдорлик ҳиссини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қўрик-танлов иштирокчилари Ватанга муҳаббат, юртимизда қарор топган тинчлик-осойишталик, истиқлол йилларида эришилган ютуқларни мадҳ этди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги маданият саройи қўшиқ ва рақс ансамбли жамоаси “Халқ билан мулоқот” қўшиғи учун биринчи ўринга му-

носиб кўрилиб, “Ягонасан, муқаддас Ватан!” танловининг мамлакат босқичига йўланмани қўлга киритди.

– Мустақиллик шукуҳи бизга сўнмас илҳом бағишлайди, – дейди Ички ишлар вазирлиги маданият саройи қўшиқ ва рақс ансамбли хонандаси, “Нихол” мукофоти совриндори Фарҳод Қамбаров. – Бетакрор юртимизни, тинчлигимизни, халқимиз осойишталигини асраб-авайлаш бизнинг энг олий бурчимиздир. Бугунги қўрик-танловда ижро этилган куй ва қўшиқлар бу йўлда бизни янада фидойи бўлишга, қалбимизда Ватанга муҳаббат ҳиссини оширишга хизмат қилади.

**Улуғбек АСРОРОВ,**  
**ЎЗА муҳбири**

## ХВЖ МИССИЯСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА АМАЛИЙ ТАШРИФИ ЯКУНИ БЎЙИЧА БАЁНОТИ

**2017 йил 17-24 июль кунлари Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) Альберт Егер раҳбарлигидаги миссияси мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланиши ва расмий органлар ишлаб чиққан ислохотлар режасини муҳокама қилиш учун Тошкентда бўлди. Миссия ташриф якуни бўйича қуйидаги баёноти берди:**

“Миссия расмий органларнинг Президент Шавкат Мирзиёев тасдиқлаган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харажатлар стратегиясига асосланган иқтисодиётни ислох қилишга доир комплекс режаларни маъқуллади. Ушбу режаларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши иқтисодиётнинг сифатли иш ўринлари ташкил қилиш ва барқарор ўсиш таъминлаш қобилиятини сезиларли даражада ошириш имконини беради.

Миссия расмий органларнинг валюта тизимини биринчи галда ислох қилиш бўйича режасини ҳам тўла қўллаб-қувватлайди.

Бозор тамойиллари асосида валюта курсларини унификация қилиш ва валюта ресурсларини тақсимлаш учун имконият яратиш Ўзбекистон Марказий банкига барқарорлиқни сақлашга йўналтирилган ва инфляцияни самарали назорат қилишга қодир пул-кредит сиёсатига ўтиш

имконини беради. Мазкур ислохотлар ташқи рақобатбардошлиқни ошириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ички ресурсларни тақсимлаш тақомиллаштириш ҳисобидан иш ўринлари яратиш ва иқтисодий ривожланишга хизмат қилади. Ўзбекистоннинг салмоқли валютаси захираси мазкур ислохотларни ишончли амалга ошириш имконини беради.

Валюта тизимини ислох қилиш баробарида давлат корхоналари ва давлат томонидан назорат қилинадиган банкларни таркибий қайта қўриб чиқиш, халқаро савдо ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишга тўққонлик қилаётган бошқа омилларни бартараф эттириш, шунингдек, компаниялар, айниқса, иш ўринлари яратиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган қишлоқ ва ўрта корхоналарнинг харажатларини асосиз ошираётган қонунлар, қарорлар ва тартибларни тақомиллаштириш зарур.

ХВЖ расмий органлар ишлаб чиққан ислохотлар режасини қўллаб-қувватлаш учун қўшимча техник қўмаклаштириш ва иқтисодий сиёсат масалалари бўйича тавсиялар беришга тайёр.

Ислохотларни пул ва кредитлар ҳажмининг тез ўсиши билан боғлиқ инфляция босими шароитида амалга оширишга тўғри келади. Шундай қилиб, миссия Ўзбекистон Марказий банки яқинда қабул қилган пул-кредит сиёсатини, жумладан, қайта молиялаштириш ставкасини 9 фоиздан 14 фоизгача ошириш ҳисобидан қатъийлаштириш чораларини ижобий баҳолайди.

Банк тизимида етарлича буфер захиралари сақланиб қолаётган бўлса-да, ликвидлик билан боғлиқ мураккабликлар юзга келиши мумкинлиги ва кредитлар ликвидлигига таъсир кўрсатадиган жараён ташвиш уйғотади. Шу муносабат билан расмий органлар давлат назоратидagi банкларни қайта капиталлаштириш бўйича оғоҳлантирувчи чо-

раларни кўрди, ликвидлик меъёрларини оширди, Ўзбекистон Марказий банки қўллаётган ликвидликни тақдим этиш ва банклар муаммоларини тартибга солиш принципларини қайта қўриб чиқди ва унга мослаштирди.

2017 йил бошидан солиқ-бюджет сиёсати эҳтиёткорлик билан амалга оширилмоқда ва жорий прогнозларга кўра, умумлаштирилган давлат бюджети профицити ялпи ички маҳсулотнинг 0,2 фоизини ташкил этади. Валюта курси ва пул-кредит сиёсатининг янги тартиби мувофиқлигини таъминлаш учун 2018 йилда ҳам солиқ-бюджет сиёсати қатъий давом эттирилиши керак.

Миссия расмий органларнинг иқтисодий статистика сифати ва очиклигини ошириш борасидаги қатъий мўлжаллини ижобий баҳолади. Улар томонидан инфляция суръатларини аниқлаш учун янги истеъмол нархлари индексида фойдаланиш бўйича қабул қилинган қарорлар 2018 йилдан бошлаб ушбу асосий статистика кўрсаткичи сифатини ошириш имконини бериши лозим. Миссия Ўзбекистон расмий органларнинг ХВЖнинг маълумотларни тарқатиш бўйича кенгайтирилган умумий тизимига қўшилиш режасини маъқуллади.

ХВЖ қилишувлар моддаларининг IV моддаси доирасидаги кейинги маслаҳатлашувлари шу йилнинг кузига ўтказиш тўғрисида дастлабки келишувга эришилди.

Миссия Ўзбекистоннинг расмий органларига самимий меҳмондўстлик ва амалий музокара учун миннатдорлик изҳор этади.”

## ЁШЛАР ИТТИФОҚИ ТОМ МАЪНОДА ЁШЛАР МАНФААТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИГАН, ОРЗУ-УМИДЛАРИ, ИҚТИДОР ВА САЛОҲИЯТИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРА ОЛАДИГАН ТИЗИМ БЎЛАДИ

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 5 июль кунини “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги тарихий фармонни имзолади. Шу кундан эътиборан мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати билан шугулланадиган янги тузилма – Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолият бошлади.**

Ташкилот олдида турган муҳим вазифалар ва уларни рўёбга чиқариш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳусусида ЎЗА муҳбири Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши раиси Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ билан суҳбатлашди:

– Қаҳрамон Қўчқорович, янги ташкилотга ақсарият ёшлар хайрихоҳлик билдирмоқда. Лекин бироз шубҳа билан қараётганлар ҳам йўқ эмас. Бунинг ўз вақтида катта орзу-мақсадлар билан ташкил этилган “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати барча ёшларнинг том маънодаги таянчи ва суянчига айлана олмасин билан изоҳлаш мумкин. Бундай ҳолат қайта такрорланмаслиги учун Ёшлар иттифоқи нима ишлар қилмоқчи?

– Аввало, ёшларни тинглаш механизмининг йўлга қўйиш. Баландапарвоз гапларини бугун замон қўтармайдми. Бундай усул билан ёшларнинг қалбига йўл топиш қийин. Амалий ишлар керак. Илгари ёшлар ташкилоти ёшлар ҳаётидаги қандай долзарб муаммоларни муҳокама этмасин, уларнинг ақсарияти ўша ташкилотдан нарига ўтмас эди. Бир марта дардини, ташвишини айтган йигит ёки қиз мана шундай муносабатни кўргач, қайтиб бундай ташкилотга ишонмас, ўз билганича йўлида давом этаверарди. Ёшлар иттифоқи ташкилий тузилмасида юқоридан пастга қараб эмас, ҳар томонлама ҳаракатлана оладиган механизмни жорий қилмайдми. Яъни ёшларнинг фикри, орзу-интилишлари, мақсади, энг муҳими, муаммоларини тинглаб, уларни ўз ўрнида ҳал қилиш принциплари асосида иш тутилади. Ташкилотнинг энг қуйи бўғинидаги йигит ёки қизнинг фикри, ўртага ташлаган муаммоси, тақлиф ва тавсиялари, аввало, ўша туман, вилоят даражасида ҳал этилиши зарур. Унда ҳал бўлмаса, Президент девони, Олий Мажлис Сенати доирасига олиб чиқилади. Бундан бун муаммоларни фақат ўрганиш эмас, балки уни ҳал этиш, келгусида олдини олиш йўлидан борамики! Ёшлар биздан шунини кутипти. Бугунги глобаллашаётган ҳаёт қанча мураккаб бўлмасин, биз ўз келажгимиз ҳақида чиндан қайғурсак, Ўзбекистон фуқароси бўлган бирорта ўшини эътибордан четда қолдиришга ҳаққимиз йўқ.

– Қуни кеча Ёш олимлари ва Ёш тадбиркорлар ассоциациялари, Ижодкор ёшлар уюшмасини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Йил охиригача шунга ўхшаш тузилмалар сонини 30 га етиши кутилмоқда. Ҳар бирининг фаолиятини ташкил этиш ва юритиш тўғрисида кенг қўламли ишчи ушбу йилнинг маъсулияти ҳам шунга яраша бўлади.

– Президентимиз ёшларга бунёдкор куч сифатида қараб, уларнинг имкониятларига катта ишонч билдирди. Ҳаммамизни бир мақсад, бир го я берилаштиради. Ҳамма нўрса бошида қийин. Ёшлар ёшларга таъсир кўрсатадиган, ўз тақдирини ўзи белгилайдиган, ўзлари ўзларига қўмақ, далда беришга имкон яратиш вақти келди. Президентимиз Ёшлар иттифоқи таркибида Ёш олимлар уюшмаси, Ёшлар туризми уюшмаси, Спорт клублари ва фитнес марказлари уюшмаси, Имконияти чекланган ёшлар уюшмаси,

Ёшларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш маркази каби тузилмаларни ташкил этишни тақлиф қилганида мана шу гождан келиб чиққан эди. Албатта, Иттифоқ янги уюшмаларга ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиб, ишнинг мувофиқлаштириб боради. Қолаверса, ҳар бирига улар билан бевосита ишлайдиган ҳукумат аъзолари ҳам бириктириб қўйилиши унинг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади. Масалан, таълим тизимидаги ёшлар билан Бош вазир, олий ва ўрта махсус ҳамда халқ таълими вазирлари, ёшлар тадбиркорлиги ва фермерликни қўллаб-қувватлаш билан Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, Бош вазир ўринбосари ва Савдо-саноат палатаси раиси, ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш билан Президентнинг Давлат маслаҳатчиси ва маданият вазирини доимий иш олиб бориш белгиланди.

Шундай имконият ва шароитлар яратилган бўлса-да, барча ишларнинг ҳаракатлан-тирувчи кучи – жойлардаги ёшлар иттифоқи тузилмасидир. Ёшларнинг истеъдоди ва салоҳиятини юзга чиқаришга ҳаракат қилмас, турган гапки, жамиятда обрў-эътибор қозонилмайди. Аммо бу фақат истеъдодли ва жонқуяр ёшлар теграсида ўралашиб қолиш керак, дегани эмас. Олдинги ҳатолардан ҳулоса чиқариб, ҳар бир ёш билан алоҳида ишлаб, уларни ўрганиб, индивидуал ёндашган ҳолда фаоллар сафига қўшма-гуниимизча мақсадимизга эришдик, дея олмайдми. Бизнинг барча режаларимиз шунга қаратилган. Дейлик, касб-хўна қоллежида ўқийдиган йигит замонавий ахборот технологияларини яхши ўзлаштирган, компьютер дастурларини яратишга қодир. Уни Ёшлар иттифоқига жалб этиб, замонавий электрон қурilmалар учун янги дастурлар ёзиш, шу соҳадаги тадбиркорлик фаолиятига йўналтиришнинг аниқ мудабо. Агар бу ишни биз қилмасак, четдаги ғаразгўй қўлар фарзандларимизнинг билими ва қобилиятидан ўз мақсади йўлида фойдаланади. Шунинг учун янги уюшмани ташкил этиб, энди ишчи юртия олириканизмиз, деган ҳадик билан яшашдан кўра, бор имкониятларини ишга солиб, эртага юзга келиши мумкин бўлган катта-катта муаммоларнинг олдини олган маъқул.

– Президентимиз “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги маърузасида ёшларни манфаатдор қилиш тўғрисида гапирди. Бу борада қандай амалий чоралар қўриш мўлжалланган?

– Биз ёш авлодга шунчаки расмий ташкилот аъзолигини эмас, уларнинг манфаатини том маънода ҳимоя қила оладиган муассаса тўғрисида гапирмайдми. Бошқа томондан, Иттифоққа бirlашувчи биронта ҳам йигит-қиз бошқа савдошларидан ҳам масъулият билан яшамаслиги, ишламаслиги керак. Ёшлар учун ҳамиша интиладиган бир маёқ зарур. Шундангина биз уларни ишонтиришимиз, бир мақсад сари йўналтиришимиз мумкин. Карьера қўлаб ёшлар учун ана шундай жойбадор маёқ вазифасини ўташи қобили. Зеро, ёш кадрлар салоҳиятидан оқилона фойдаланган, уларга ишонган мамлакат ҳамиша тараққиётга юз тутган. Бунга мисолларни ўзимизнинг тарихимиздан ҳам истаганча топимизки мумкин.

(Давоми 2-бетда)

**XXI саҳоси**  
Барча манбаалардан олинган сўзлар  
ҳақорат

## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдаги сессиясида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 июль кунини пойтахтимизда бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишидаги “Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббусқори ва асосий ижроқисми бўлиши керак” мавзусидаги маърузасида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

• Президентимизнинг 2017 йил 27 мартдаги “Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ Жиззах вилоятида “Мангуликка дахлдор сиймолар” мавзусида маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Тадбирлар доирасида Жиззах политехника институтида “Мангуликка дахлдор сиймолар: Ўзбекистон тарихи ва Шароф Рашидов” мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

• Термиз шаҳрида барча қулайликларга эга “Нуронийлар маскани” мажмуаси фойдаланишга топширилди. Ушбу мухташам бинони капитал таъмирлаш, замонавий усулда жиҳозлаш учун 1 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Кутубхона, нуронийлар чойхонаси, меҳмонхона, спорт-соғломлаштириш мажмуаси, маънавият, тиббиёт хоналари кек-

са авлод вакиллари мириқиб дам оладиган, маданий ҳордиқ чиқарадиган масканга айлантирилди.

• Бухоро шаҳридаги кўҳна ва сўлим Лаби ҳовуз мажмуасида “Биз Ватанга таянчимиз!” шиори остида ёшлар байрами ўтказилди. Бухоро вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши, вилоят маданият бошқармаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда умумтаълим мактаблари, ўрта махсус касб-хўна таълими муассасалари ўқувчилари, олий ўқув юрлари талабалари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

## ЖАҲОНДА

• Швейцариянинг Шаффхаузен шаҳрида номаълум кимсанинг бензин орқали ишлай-

диган арра билан одамларга ҳужум уюштириши натижасида беш киши тан жароҳатлари олиб, касалхонага ётқизилди. Жиноятчи жуфтакни ростлашга улгурди.

• Жаҳоннинг турли мамлакатларида жазирама иссиқ туфайли ўрмон ёнгинлари тобора авжига чиқмоқда. Чунончи, Ёкутистонда ўтган бир кун ичида 18 минг гектар ўрмон қуйиб, қул бўлди, ёнгин қоплаган ҳудуднинг умумий майдони эса 800 минг гектарни ташкил этади. Ёнгинни жилавлалаш учун тайганинг ўтиб бўлмас қисмларида портлашдан фойдаланиш, шунингдек, булутларга таъсир ўтказиб, сўний ёмғир ёғдириш режалаштирилмоқда.

• Покистоннинг Лаҳор шаҳрида террорчи-камикадзе томонидан бозор атрофида амалга оширилган теракт натижасида 26 киши ҳалок бўлди, 53 нафар одам жароҳатланиб, касалхоналарга ётқизилди.

# ЁШЛАР ИТТИФОҚИ ТОМ МАЪНОДА ЁШЛАР МАНФААТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИГАН, ОРЗУ-УМИДЛАРИ, ИҚТИДОР ВА САЛОҲИАТИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРА ОЛАДИГАН ТИЗИМ БЎЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз Ўзбекистон ёшлар иттифоқи давлат ва жамият учун раҳбар кадрларни тайёрлаб берадиган ўзига хос марказ бўлиши, замонавий тилда айтадиган бўлсак, ёшлар учун "социал лифт" вазифасини бажариши керак, дея алоҳида таъкидлади.

Фикрлаш бир жойда тўхтаб турмагани каби замон, тараққиёт ҳам мудом ҳаракатда. Мана шу жараён билан қадам қадам юриш, ҳатто эртага нима бўлишини олдиндан кўра билиш учун, аввало, янги фикр, янгича қараш зарур. Катта орзу-умидлар билан кириб келаётган ҳар бир йигит-қизда ана шу янги фикр, ижобий ахлоқий "портлаш эффекти" мавжуд. Улар мамлакат ҳаётини, ҳатто тараққиёт мурватиини зарур томонга буришга қодир бўлади. Шунинг учун бу улкан саложиятдан оқилона фойдаланиш катта ижтимоий аҳамиятга эга. Фидойи ёш раҳбарларнинг мамлакат бошқарув тизимларига қилиши чинакамгина янги рух, янги нафас олиб келади ва бутун ижтимоий ҳаётга таъсир қўсади. Бундай гайратли ёшларни давлатимиз раҳбари қўллаб-қувватлаб, ишонч билдирмоқда. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкилотларида ўзини ижобий жиҳатдан кўрсатган ходимлар Давлат бошқаруви академиясида билим ва малака ошириб, ҳокимлик ва вазирликлар тизимида раҳбарлик лавозимлари учун асосий номзодлар бўлади, деди. Бу йўлда дастлабки амалий қадам ташланди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошида Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтини ташкил этилмоқда. Бу институт нафақат билимни, ташаббускор ва ташкилотчи кадрлар захирасини, балки ёшлар муаммоларини ўрганишнинг бутун бошли бир тизимини яратди. Демак, юқорида айтилганидек, ёшларни қийнаётган муаммолар нафақат жойида ҳал этилади, балки улар илмий асосланган тарзда ўрганилади, мониторинг қилинади ва келгусида бундай муаммоларни жамиятимиздан бутунлай супуриб ташлаш имконияти пайдо бўлади.

Жорий йилнинг 1-сентябидан бошлаб ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида "ёшлар етакчили" вазифаси юклатилган ходимга ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасининг директор жамғармасы маблаглари ҳисобидан олий маълумотли ўқитувчи базавий тариф ставкасининг 50 фоизи миқдорда ҳар ойлик устама белгиланади.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган олий таълим муассасаларининг бакалаврият ва магистратура босқичлари талабаларига ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи 86 фоиз ва ундан юқори бўлган тақдирда таълим бўйича ўлов контракт миқдорининг 35 фоизи Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармасы маблаглари ҳисобидан тўланади.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимида уч йил ва ундан кўп муддат давомида фаол ишлаб келаётган ходимларга уй-жой сотиб олиш учун ипотека кредитининг бошланғич тўлови Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармасы маблаглари ҳисобидан тўланади.

Мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилаларни янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг уй-жой ва маиший шaroитларини яхшилаш мақсадида 2018-2021 йилларга мўлжалланган Ёшлар уйлариини барпо этиш дастури ишлаб чиқилад.

Ушбу дастурда барча йирик шаҳарларда – кўп қаватли, қишлоқ туманларида – 1-2 қаватли намунавий лойиҳалар асосида арзон уйлар ёшларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб қурилиши назарда тутилган.

– Ёш авлодга эътиборсиз қараб бўлмайди. Уларнинг тақдирига бефарқликнинг тоғови катта бўлиши шубҳасиз. Аини пайтда ёшларни қийнаб келаётган бир қанча долзарб муаммолар бор. Масалан, ишсизлик...

– Ҳақиқатни айтдингиз. Ёшлар бандлигини таъминлаш масаласи биз учун энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Ҳар ўқув йили тугаши арафасида турли таътирлигу идоралар, давлат ташкилотлари ва корхоналари, тадбиркорлик ташкилотлари коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш бўйича ўз имкониятидан келиб чиқиб, шароит, имконият яратяпти, дейди. Таълим муассасалари мутасаддилари ҳам битирувчиларни ишга жойлаштириш учун елиб-югуради. Битирувчиларнинг кўлида турт томонлама шартнома, ишли-жойли бўляпти. Бу, албатта, расмий маълумотларда шундай. Амалда-чи?

Бугун юртимизда ёшлар учун янги иш ўринларини яратиш борасида катта ишлар қилинаётганини инкор этмаган ҳолда, айбунини, уларнинг меҳнатда тобланиб, ҳалол ризқ топиши, ўз оиласи, ота-онасига нафи тегиши учун ҳамма ҳам бирдай ҳаракат қилаётгани йўқ.

Давлатимиз раҳбари ушбу аччиқ ҳақиқатни бежиз эслатмади. Ахир ўзингиз ўйланг, ишсизларнинг аксариятини коллеж битирувчилари ташкил этади. 2016 йили 477 минг 743 йигит-қиз коллежларни битириб чиққан ва уларнинг

438 минг 503 нафари иш билан таъминланган, деган статистика берилган. Президентимиз ҳақли саволини ўртага қўйди: "Бу рақамлар қанчалик тўғри? Агар барча коллеж битирувчилари ишга жойлашаётган бўлса, ишсиз ёшлар қаердан пайдо бўляпти? Коллеж битирувчилари билан турт томонлама шартномаларни номгигагина имзолаб, ўзимизни ўзимиз алдамаялми?"

Давлат ёш йигит-қизини ишга жойлаштириш учун шунча қайғуриши нима учун? Таълим муассасаси қорғозлик учунгина ҳар қандай қорхонага битирувчиларни ишга жойлашни гапланиб берса, битирувчи дуч келган ташкилотдан шартномага муҳр қўйиб беришни илтимос қилса, қорхона ўзида йўқ бўш иш ўрни учун сўраб келган одамнинг шартномасини имзоласа – бундай кўр-кўрона ёндашув кимга фойда, кимга зарар?

Ҳаётда ким яхши яшайди? Қўлида хунари бор ҳеч қачон қоқилмайди, бировдан кам бўлмайди. Шу боис ҳалқимиз азалдан фарзандини балолигида ноқ уздабуронликка, тадбир билан иш юритишга ўргатган. Хунарсиз ёшларга кўмаклашган. Бундай болалар кун келиб, ўзи мустақил меҳнат қилиб, хунари, тадбиркорлиги ортдан қаддини ростлайди, оиласини, давлатни бой қилади. Хунарсиз ёшларни йўналишидаги тадбиркор ёшлар, айниқса, қизларнинг қасанчалик билан банд бўлиши учун қўлай шароит яратиб бериш, бу борада бўш турган объектлардан имтиёзли шартлар асосида жой ажратиш, мини-технологиялар, асбоб-ускуна ва зарур жиҳозлар ўрнатиб берилишига эришиш Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг энг муҳим вазифаларидандир. Ёш хунарсизларга ҳомашё сотиб олиш учун кредит бериш, ўз бизнесини бошлаган ёш тадбиркорлар томонидан Пенсия жамғармасыга тўланадиган сугурта бадалини олинган кредитларни қоплашга йўналтириш тизими жорий этилиши бу борадаги имкониятларни янада кенгайтиради.

Ана шундай ниҳоятда ҳаётини эҳтиёждан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбари олдимизга муҳим вазифа – ёшларни иш билан таъминлаш учун улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, бу борада янги имкониятлар яратиш мақсадида ҳар бир туман марказида, шаҳарда ёшлар тадбиркорлик кластерларини ташкил этиш вазифасини қўйди.

– **Тадбиркорлик кластерлари нима?**  
– Кластер – умумий фаолият ва хизмат кўрсатиш йўналишига эга, бир-бирини тўлдирувчи, географик жиҳатдан бир-бирига яқин корхоналар гуруҳидир. Кластерлар одатда маҳаллий доирадаги турли ташкилотларнинг ихтисослашган тармоғи бўлиб, уларнинг ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш фаолияти иккинчисининг тижорат, товар айирбошлаш, илмий тадқиқот ёки истеъмол фаолияти билан узвий боғлиқ бўлади.

Президентимиз ана шундай тадбиркорлик кластерлари фаолиятини йўлга қўйиш учун электр энергияси, табиий газ, сув ва транспорт коммуникацияси, алоқа воситалари ва интернетга уланиш имконияти мавжуд бўлган ҳудудларда фойдаланилмай ётган давлат объектлари ёш тадбиркорларга "ноль" қийматда ижарага берилишини таъкидлагани бу борада жуда катта имконият яратди. Сабаби, бундан кейин барча ҳудудларда ташкил этилаётган иқтисодий зоналарда, шаҳарларда кичик саноат зоналарида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи аъзоси бўлган ёш тадбиркорлардан ижара ҳақи олинмайдиган тартиб жорий этилади. Тасаввур қилингани, ёш тадбиркорга ишини юритиб, ўзини ўнглаб олиши учун жуда катта имконият, имтиёз бўл!

– **Аччиқ бўлса-да, бир ҳақиқатни тан олишга тўғри келади: ҳозирги глобаллашув даврида на давлат, на жамоат ташкилотлари ёшларнинг онгу тафаккурини ёт қоялар, бегона мафкура ва "оммавий маданият"дан тўла ҳимоя қилимаяпти. Сизнингча, бунинг сабаби нимада?**

– Ёшларимиз қалбига қулоқ тутиш, ўй-кечинмалари билан қизиқишга етарлиқ эътибор қаратмади. Орзу-ниятларини сўрашни ўрганди-у, уларни қийнаётган муаммоларни тинглашга, дардига қулоқ тўтишга ҳафсала қилмади. Энг ёмони, "тўтинчи ҳокимият" саналмиш оммавий ахборот воситалари ёшларнинг фақат ютуқларини ёритиш билан андормон бўлиб, уларнинг талаб ва истаклари, муаммоларини олиб чиқишни қарийб унутиб юборди.

Бу борада Президентимиз "Гўёки ҳамма нарса жойида, олам гулистон. Агар ҳаммаси жойида бўлса, тўғри йўлдан адашган ёшлар, жиноятчилик, ишсизлик қаердан пайдо бўляпти? Нега ёшларга оид давлат сиёсатида лоқайд муносабатда бўлаётган амалдорлар ҳақида оммавий ахборот воситалари, аввало, ёшлар матбуоти чурк этмайди?", дея ҳақли эътироз билдириди. Бу бежиз эмас, албатта. Ростдан ҳам, қайси канални қўйманг, қайси радиони тингланг, қайси нашрни варақламанг, "шаблон" материаллар – кўр-кўрона, юзакли ўтказилган тадбирлардан лаъвалар, енгил-елли қўшиқлар, ўзини ўзи макташ, чиройли қиёфалардан бошқа нарса йўқ. Энг ёмони, айрим ёшларимиз мактабдаги ўқ бўлиб қолди. Уларда муаммога тик

боқиш, уни ҳал этишга уриниш, тенгдошларини ҳам шунга ундашга жасорат етишмаётгандай. Ахир ёшларнинг дардини, муаммосини уларнинг ўз тенгдошларидан кўра эҳшироқ биладиган ким бор?

Шу боис бундан буён ёшлар ичига кириб бориш учун тарғибот масаласига жиддий эътибор қаратилади. Бунда энг замонавий технологиялар асосида ёндашувни ўзгартирамиз, гоё ва ташаббусларни фақат қорғозда эмас, амалда жорий этамиз. Чунки ёшларимизни оғзаки гаплар эмас, фақат ва фақат амалий иш, аниқ тақлифлар билангина ортимиздан эргаштира оламиз.

– **Бунга қандай эришилади?**

– Аввало, яқин вақт ичида "Ёшларлар" гуруҳи ташкил этилади. Ёшларнинг ўзи тенгдошлари ичига кириб боради. "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда олти вагондан иборат "Тарғибот поезди" йўлга қўйилади. Ёш тарғиботчилар жойларга чиқиб, фақат тарғибот олиб бориш билан чекланмай, уюшмаган ёшларнинг ҳам фикрини ўрганиш, уларни фойдала юмушларга жалб этиш, амалий ишларга рағбатлантириш, ҳар томонлама ёрдам бериш билан шуғулланади.

Бугун ёшлар деганда кўз олдимизга пўрими қийнган, бўйнида ё чўнтагида қимматбаҳо матоҳ, қуруқ савлат эмас, юзидан нур-зиё тараб. Ёб турган, одоб-ахлоқи сийратига, балқиган, маънавияти юксак шахслар гавдаланиши керак. Олдимизда турган энг катта мақсад-вазифалардан бири ҳам шу аслида. Ёшларни маърифатга, китобга ошно қилиш. Токи фарзандларимиз мактаб, лицей ва коллеждаги ўқидан ташқари ҳар кун, ҳар дақиқа бўш вақтини бадиий адабиёт, газета-журнал мутлола қилишга, маърифатли бўлишга сарфламас экан, бу мақсадга эришиш қийин.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи интернет тизими орқали маънавий тарғибот ишларини, жулуддан, электрон китобхоналикни қўлайлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратади. Нега деганда, давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаганидек, фарзандларимизнинг онги, дунёқараш асрлар давомида синовалдан ўтган, юксак маънавият хазинаси бўлган ҳажон ва миллий адабиётимиз асосида эмас, балки қандайдир шубҳали, зарарли ахборотлар асосида шаклланишига бепарво қараб туролмаймиз.

Ёшларимизни китобга қайтариш, мутлолаага дўст қилиш асосий вазифаларимиздан бирига айланади. Бунинг учун ёшлар ўртасида китобхоналик маданиятини ошириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳар йили "Энг китобхон мактаб", "Энг китобхон маҳалла", "Энг китобхон оила" каби йўналишларда танловлар ўтказилади. Фойдаларга юртимизда ишлаб чиқарилган автомобиллар мукофот тариқасида берилади. Бу, ишонманки, китоб ўқиган инсон машина миёна, деган гап эртанамо, хомхалл эмас, аини ҳақиқат эканини исботлайди ва ёшларда мутлолаага иштиёқни қўлайтиради.

Президентимизнинг "Китоб олами" дўконлари тармоғини Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тасарруфига ўтказиш, ёш ишхоркорларнинг китобларини, ёшлар нашрлари – "Туркистон", "Молодёжь Ўзбекистана" газеталари, "Ёш куч" журналларини чоп этиш учун "Ёшлар наشريёт йўли"ни ташкил этиш каби топшириқлари ижроси навқирон авлодимиз маънавий-маданий ҳаётида улкан ўзгаришлар ясаши табиий.

– **Энди Ёшлар иттифоқи уюшмаган ёшлар учун ҳам жавобгар ташкилот ҳисобланади. Улар билан ишлаш механизми қандай бўлади?**

– Президентимиз "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги "Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва сунъимиз" номили маърузасида уюшмаган ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратди. Ҳақиқатан, жиноятчиликка мойил, профилактика ҳисобда турадиган ёшлар эътиборимизда, меҳр-муҳаббатимиздан, назоратимиздан четда қолган эди. Уларнинг ҳар бири қўнғилга ўз вақтида йўл топганимизда, меҳр-эътиборимизни амалда кўрсатиб, сўзимизга ишонтира олганимизда бугун уларни жиноятчи номи билан атамаган бўлардиқ. Лекин бир ҳақиқат борки, шунинг ҳам ҳар ким ўз қалбидан чўқур мушоада этишини хоҳларди: боланинг ёмони, бегонаси бўлмайди. Ҳаммаси шу юртининг фарзанди – бизнинг дилбандларимиз! Уларга ўз боламиздек муносабатда бўлишни ўрганмасак, кўп жиҳатдан ютқизамиз.

Ана бир тоифа ёшлар муқаддас динимизни нотўғри тушуниши оқибатида ноқўя йўлларга қадам қўйди. Аслида дин нима? Унинг асл моҳияти нимадан иборат? Диндан мақсад нима? Бу каби тушунчалар ҳақида фарзандларимизга тўғри ва ҳолис маълумот бера олдими? Ҳеч бўлмаса, фарзандимиз ҳулқ-атворида оғиш пайдо бўлаётганини сезишимиз керак эмасми? Не-не буюк аждодларимиз инсоният тамаддунига жуда катта ҳисса қўшгани, Бухорий, Термизий, Мотуридий, Марғиноний каби зотлар аини шу таълимотни пухта ўрганиб, бутун инсоният учун манфаатли бой ил-

мий мерос қолдиргани моҳиятини ёшларимизга тўғри тушунириш бизнинг асосий вазифамиз эмасми? Ёшларимиз уларнинг номи билан қуруқ фахрланиб юрариш ўрнига амалий фаолиятга ўтиш пайти алақачон келган. Бухорийнинг лоқайд биргина китобининг тўлиқ номини айтиб беролмаган бола қандай қилиб ўзини Бухорий ворисиман ёки Бухорий авлодиданман, дея олади?

Президентимиз ўз маърузасида жаҳон маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимиз меросига ҳурмат, унга муносиб бўлиш туйғусини шакллантириш, бу бебаҳо бойлиқни чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этишга қаратилган мазмундор, таъсирчан лойиҳаларни амалга оширишда Ёшлар иттифоқи ташаббус кўрсатиши зарурлигини таъкидлади. Биз эндиликда бу фаолиятнинг аниқ механизминини ишлаб чиқишимиз, аввало, шу тизимда фаолият юритаётганларга етказишимиз, сўнгра мамлакатдаги барча ёшлар онги ва тафаккурига сингдиришимиз зарур. Дунёда баъзи бир ғаразгўй тоифалар ўз манфур мақсадларига эришиш учун дин омилдан усталик билан фойдаланаётган нозик бир даврда аждодларимиз мероси мисолида ҳам динни, ҳам маънавиятни, ҳам одоб-ахлоқ ва ҳушумомалликни ўрганиш аини мудида бўлади. Бу бизнинг жаҳолта қарши маърифат билан курашиш воситаси ҳамдир.

– **Ёшларимизнинг маълум қисми хорижга чиқиб кетмоқда. Вазиятни ўнглаш бўйича қандай тақлифларингиз бор?**

– Айрим ёшларнинг ноқонуний равишда хорижга чиқиб кетаётгани ва бу кўрсаткич йилдан-йилга ортиб бораётгани масаланинг моҳиятига тўлиқ эътибор беролмаётганимизни кўрсатади. Кези келганда дарсга қатнашаётган ўқувчининг қаерда юрганини билмайди, деб ўқитувчини, ўқимининг ноқўя оғишидан хабарсиз, деб коллеж психологини, ҳудуддаги оилалар аҳоли билан таниш эмас, деб маҳалла масъулларини айбдор санаймиз. Лекин бир оилада, бир уйда яшаётган ўғли ё қизининг бир неча кундан бери уйда йўқлигини ҳам "пайка-майди" ёки фарзандининг ноқўя хатти-ҳаракатидан бохабар бўлса-да, бирон чора қўриб, уни тўғри йўлга бошлашга ўқувчи, бепарво, лоқайд ота-оналарни нима дейиш мумкин? Агар улар ўз фарзанди тақдирини учун жон қўйди-ганда, бир неча давлат ва нодавлат ташкилотлари учун жамиятда янги-янги муаммолар пайдо бўлмасди.

Айрим ёшлар хорижда ишлаш орқали ўз турмушини, оиласи ҳаётининг моддий фаровонлигини таъминлашни мақсад қилишади. Уй-жойга эга бўлиш, машина сотиб олиш, замонавий уй-рўзгор анжомлари, маиший техника, мебель жиҳозлари каби ҳаётини эҳтиёжларга ойлик маош билан эришиш мушкуллигини рўқча қилишади. Бу борада давлат кўрсатаётган ижтимоий ҳимоя тамойили, афсуски, ёшлар аудиториясини тўла қамраб ололмаган. Қолаверса, давлатнинг ёшларга кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрлиги айрим мансабдорларнинг айби билан ҳамма жойда бирдай ҳолис ва адолатли баҳарилмаяпти. Бундай ноҳилисликни қўрган қоний қайноқ, таъсирчан ёшлар бир зумда ўз ҳулосасини чиқариб, бутун бир давлатни адолатсизликда айблади. Сўнгра ўзича адолат ва моддий фаровонлик қидириб ўзга юртларга равона бўлади. У ерларда ўз шаъни, обрў-эътибори, гурури, ҳатто орномуси тоғталиб, қарсон-сарғардон бўлишни мулоҳаза қилиб ўтирмайди.

Нажмиддин Қубро каби буюк аждодларимиз "Ё Ватан, ё саодатли ўлим", деган гоёни ўз ҳаётида дастуруламал қилиб олиб, ҳар қандай танг вазиятда, ҳатто энг таҳлиқали дамлларда ҳам юртдан оёғини узмаган. Яқин ўтмишимизда яшаган кишилар – Иккинчи жаҳон урушидан кейинги оғир синовали йиллар изтиробини чекканлар ҳали орамизда кўп. Ана ўшалар бошидан кечирган, гувоҳи бўлган қора кунлар тафсилотини кўп эшитганмиз. Ҳатто бир бурда зого-рона зог зог яшаб, қунжара ейишга бориб етганда ҳам одамлар бошқа жойга кетиш ҳақида ўйлаб қўрмаган. Уларда гурур, орият қучли бўлган. Ўткнчи хою ҳавас, қорин қайғуси учун ўзга юртда сарғардон бўлишни инсон учун номуси, деб билган. Бугун минглаб фарзандларимизнинг хорижда ноқонуний меҳнат мигрантлари бўлиб юриши уларга оилада аввалбошданок шу тарбияни беролмаганимизни оқибатидир.

Шундай экан, ҳар бир ёш тақдирига алоҳида эътибор билан қарашимиз, уларнинг муносиб шароитларда ўқиши, ишлаши учун барча зарур чораларни кўрмоғимиз керак. Зотан, замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, доимо эл-юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшайдиган ёшлар ҳар қандай муаммони ҳал этишга, энг мураккаб вазифаларни ҳам бажаришга қодир бўлади. Бундай ёшлар қийинчиликлардан қўчмайди – иродаси мустаҳкам, ҳар қандай шароитда ҳам элу юртга содиқ бўлиб қолаверад. Бизнинг бош вазифамиз ёшларимизни ана шу руҳда қамолга етказишдир.

Абу Бакир ЎРОЗОВ  
суҳбатлашди

**Одамларнинг амалдаги қонунларни яхши билмаслиги ҳақида гап кетганда кўпинча давра суҳбати, илмий-амалий анжуман, мулоқот ёки оммавий ахборот воситаларида чиқишлар кўринишидаги анъанавий тарғибот-тушунириш тадбирлари сонини янада ошириш зарурлиги таъкидланади.**

## "ИЖТИМОЙ ДИПЛОМАТИЯ" БИЗГА НИМА БЕРАДИ?

Лекин аҳоли ахборотга бўлган эҳтиёжини алақачон интернет, хусусан, ижтимоий тармоқлар воситасида қондираётгани кундек равшан бўлиб турган бир пайтда ахборот сиёсатида бу каби эскича ёндашув ўзимизни алдаш эмасми?!

Бугунги одамлар, айниқса, тадбиркорлар ва ёшларнинг ҳаракатчанлиги, гайратини қўриб, хайратинг ошади. Улар реал ҳаётда ишни, ўқиш-изланишни, ишбилармонликни, янгиликлар яратишни қўйиллатгани етмагандек "Фейсбук", "Telegram", "Instagram", "Twitter" сингари виртуал ижтимоий тармоқларда ҳаётдаги ўзгаришлар ҳақида хабар беришга, теварак-атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга тезкорлик билан муносабат билдиришга ҳам улгурмоқда. Мухомама мавзулари турфа – фарзандининг тиши тушганидан тортиб, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг одамлар ҳаётига таъсирини...

Қонунларга келсак, хўш уни ким яратади? Ким ишлаб чиқади? Табиийки, халқнинг давлатдаги ишончли вакиллари – парламентарийлар (бунда тегишли давлат идоралари мутахассислари ҳамда экспертлар иштирокини истисно этмаймиз). Президентимиз томонидан шахсий жавобгарлик ва масъулият бугунги куннинг долзарб вазифаси сифатида белгиланган экан, қонунларни халққа оддий, жайдарий тилда тушунириб бериш депутатларимизнинг бевосита иши эмасми?! Бу билан мавжуд вазият талабга жавоб бермайди, деган популистик қарашдан мутлақо йироқ бўлганимиз ҳолда ёндашувларни тубдан ўзгартириш фурсати етганини қайд этмоқчимиз, ҳолос.

Битта статистика: Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун шу кунгача 500 дан ортиқ фармон ва қарор қабул қилинган. Демак, кунига ўртача иккита-учтадан ҳужжат эълон қилинмоқдаки, бу ўз-ўзидан амалдаги қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни, энг асосийси, жамоатчиликни хабардор этиш тизимига янги механизмларни татбиқ этишни тақозо этади.

Лекин бугун мамлакатимизнинг ярим аҳолиси ижтимоий тармоқларда "ўтирганига" қарамадан сиёсатчиларимизни бу ерда ҳам учратамиз. Бунга виртуал оламнинг мазкур шакли айримлар томонидан "оммавий маданият"нинг махсули, қўнғилочар воситадан бошқа нарса эмаслиги бот-бот тақорланиб келиши сабабидир, эҳтимол. Дунё амалиёти бунинг аксини кўрсатмоқда. Бунга қўллаб мисоллар келтириш мумкин.

Депутат халқ ноиб экан ҳар қандай қўлай вазиятда сайловчилар билан мулоқот қилиш, уларнинг муаммо ва ташвишлари билан қизиқиши, керак бўлса, уларни ҳал этиш юзасидан зарур чора-тадбирларни парламент кун тартибига олиб чиқиши керак эмасми?! Ёки парламентда мухомама этилаётган қонун лойиҳалари бўйича, амалдаги қонунларнинг жойларда қанчалик ижро этилаётгани бўйича электроратнинг фикрини ўрганишда ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш қўл келишини англаб етмаганими?! Нега энди биз дунёни англашнинг энг тезкор, қўлай, ихчам, ҳаммабоб воситасига айланган ижтимоий тармоқларда қонунлар, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни тарғиб қилмаслигимиз, давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ишхорларнинг моҳиятини очиб берадиган чиқишлар қилмаслигимиз керак?!

Давлатимиз раҳбари томонидан депутат ва сенаторлар олдида ижтимоий тармоқлардан ўз саноҳасини очиб вазифасининг қўйилгани кенг жамоатчилик томонидан хайрихоҳлик билан кутиб олинди.

– Президентимиз маърузасида белгилаб берилган вазифалар мамлакатимиз тараққиётини таъминлашда янги давр бошланганини билдирмоқда, – дейди ЎЗА муҳбирига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ермат Холматов. – Мен Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати сифатида партия фаоллари ва аҳоли вакиллари билан учрашувларда давлатимиз раҳбари томонидан халқ турмуши фаровонлигини таъминлашдаги ушбу дадил қадамнинг аҳамияти ва ролини тушушган ҳолда масъуллигим ва жавобгарлигимни таъминлашда янада фаол бўлишим зарурлигини англапман.

– Ижтимоий тармоқларда сиёсатчиларнинг бўлиш бугунги қўнғилочар, – дейди "Твиттер"нинг фаол фойдаланувчиларидан бири, тошкентлик Амрулло Файзуллаев. – Улардан қўзланган асосий мақсад ҳам шу – сиёсатчи ва сайловчи, давлат хизматчиси ва халқ ўртасида жонли мулоқотни ташкил этиш. Натижада улар халққа яқинлашади, қилаётган ишларини қуруқ расмий хабарлар орқали эмас, барчага тушунарли тилда баён қилади.

– Мен хорижлик қўллаб таниқли сиёсатчиларнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларини кузатиб бораман, – дейди Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети талабаси Амин Широв. – Давлатимиз раҳбари депутат ва сенаторлар олдида ҳам шундай вазифа қўйганини эшитиб, уларга бериладиган саволларни йиғиб қўйдим.

## ТИББИЙ МАДАНИЯТ БОЛАЛИКДАН ШАКЛЛАНАДИ

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишларида, жойлардаги тиббиёт муассасаларига ташрифи чоғида касалликларни профилактика қилиш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш зарурлигини таъкидлади.**

Мамлакатимиз тиббиёт муассасалари томонидан бу борада изчил ишлар олиб борилмоқда. Шу мақсадда Тошкент давлат стоматология институтига "No Cavity Club" ташкил қилинди. Ушбу клуб тиш ва милк касалликларининг олдини олиш, аҳолининг бу борадаги билимини ошириш билан шуғулланади.

Яқинда мактаб ўқувчилари ўртасида сўровнома ўтказилиб, уларнинг тиш ювиш, кариеснинг олдини олиш, рацонал овқатланиш қоидаларидан хабардорлиги ўрганилди. Шундан келиб чиқиб, маҳалла ва таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда интерфаол усулларда тушунириш ишларини олиб бориш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш чора-тадбирлари белгилаб олинди.

Институт жамоаси жойларда тарғибот-тушунириш ишларини олиб бормоқда. Хусусан, Жиззах вилоятининг Фориш тумани марказий касалхонасида шифокорлар ва ҳамширалар билан мулоқот ўтказилди.

Институт ходимлари ва талабалар патронаж ҳамширалар билан бирга Фориш туманининг чекка ҳудудларига чиқиб, аҳоли билан суҳбатлашди, соғлом турмуш тарзи, оғиз бўшлиғи гигиенаси, стоматологик касалликлар ҳақида сўзлаб берди. Одамлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Тумандаги "Матлуботчи" болалар оромгоҳида болаларга стоматологик касалликлар ва оғиз бўшлиғи гигиенаси ҳақида мультфильм кўйиб берилди. Тадбир сўнггида оромгоҳ тарбияланувчиларига тиш ювиш воситалари совға қилинди.

Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

**Д.СУННАТОВ,**  
**ЎЗА мухбири**

**Кишилик жамияти турли даврларда сиёсий, иқтисодий, маънавий, ахлоқий инқирозларни бошидан кечирган. Таассуфки, уларнинг баъзилари ҳамон давом этмоқда. Айрим давлатлар халқаро иқтисодий инқироз чангалидан чиқиб кета олмаётган бир пайтда инсоният маънавий-ахлоқий таназзулга бораётгани барчани хавотирга солаётир.**

Бундай ёмирилишлар қаторига оила инқирози ҳам қўшилгани ачинарли ҳол. Фарбада оилавий муносабатлар кун сайин чигаллашмоқда. Энг ёмони, бу иллатдан четдамиш, бу муаммонинг бизга дахли йўқ, дея олмаймиз. Мамлакатимизда ҳам ажралишлар кўпайиб бораётгани сир эмас. Боболаримиз бир оила бўзилса, Аршларга келади, дейишган. Таассуфки, ҳар кўни ўнлаб оилалар Аршни ларзага келтирилмоқда. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Гулнора МАЪРУФОВА билан шу ҳақда – ажралишларнинг сабаб ва оқибатлари, оилаларни асраш ва мустаҳкамлаш чоралари ҳақида ЎЗА мухбири Воҳид ЛУҚМОНОВ суҳбатлашди.

– Оилавий ажралишларнинг сабаблари кўп. Биз, одатда, хатони кўпроқ маиший муносабатлардан излаймиз, – дейди Г.Маъруфова. – Аслида оилавий парокандалик дунё миқёсида ўзининг табиий йўсинидан анча илдамлаб кетганини, бу жараён муайян ташқи қўллар таъсирида тезлашиб бораётганини кўп ҳам ўйлаб кўрмаймиз.

Бугун "оммавий маданият" ниқоби остида кириб келаётган индивидуализм, эгоцентризм гоёлари оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда. Афсуски, ўзимиз билиб-билмай фарзандларимизни болалигидан эгоцентрист қилиб тарбиялаб қўяётгандекмиз. Оила бу – "Биз" дегани. Бироқ кўпчилик ёшларимизда "МЕН" деган тушуна биринчи ўринга чиқиб бормоқда: "Менинг ҳаётим", "Менинг муаммом", "Менинг ютуғим", "Менинг келажаким". Бунинг хавфли жиҳати шундаки, инсон фақат ўзи учун ҳаракат қиладиган, атрофдагилар билан ҳисоблашмайдиган, ҳаётда фақат ўзига қўлай йўллари излайдиган бўлиб қолади.

"Баъзи ёшларимиз учун меҳр-оқибат, ахлоқ-одоб тушунчалари бутунлай бегона бўлиб бораётгани, уларда бефарқлик, масъулиятсизлик, меҳнат қилмасдан кун кўришга интилиш каби иллатлар пайдо бўлаётгани – аччиқ бўлса-да, ҳақиқат", дейди Президентимиз Шавкат Мирзиёев "Ихтимой барқарорлиқни таъминлаш, муқаддас динимизнинг соғлигини асраш – давр талаби" мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқидан.

Бундай ҳолатлар индивидуализм, эгоцентризм гоёларининг ёшларимиз озуғу шуурига кўрсатилган салбий таъсири натижасида юзга келмаётганими?

– Тўғри, бироқ Президентимиз Халқаро хотин-қизлар байрамга бағишланган урғушудаги нутқидан "Биз одатда жамиятимиз ҳаётига қарши қартилган хавф-хатарлар ҳақида гапирганда, қўпитан четдан кирадиган таҳдидларни тушунамиз. Лекин эски замондан қолган айрим салбий ҳолатлар, афсуски, бугунги тинч ва ёрқин ҳаётимизга соя солиб турбди", дейди.

– Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, турмуш қурган ёшлар орасида ҳаётни енгил-елпи тасаввур қилиш, оила муқаддас эканини тушуниб етмаслик ҳолатлари ҳам, афсуски, учраб турибди. Ёш оилалар орасида арзimas сабаблар билан ажралишлар кўпайиб бормоқда. Бегуноҳ болалар етим бўлиб, меҳр ва эътиборга ташна вақтида ота-она тарбиясидан четда қолимоқда.

Носоғлом муносабатлар, қайнона-келин, эр-хотин ўртасидаги жанжаллар оқибатида оилалар бузилаётгани ҳар биримизни қаттиқ изтиробга солади.

Фарзандларнинг бағри бутун бўлиб улғайиши учун аввало оилада аҳил, тотув муҳит бўлиши керак. Шу боис ота-боболаримиз ўғил уйлаб, қиз чиқараётганда бўлғуси оиланинг тинчлиги, мустаҳкамлигини сақлашга астойдил ҳаракат қилган.

Президентимизнинг топшириқлари билан мамлакатимизда фаолият юритаётган жамоат ташкилотларининг оилаларга кириб ишлаши бўйича тизим яратилди. Унга асосан, ўтган даврда икки миллион оилага кирилиб, 300 мингдан ортиқ муаммо аниқланди. Муаммоларнинг 214 мингтаси Жамоатчилик назорати гуруҳлари томонидан жойида бартараф этилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, барча имкониятлар

**Тошкент шаҳар 2-сонли "Шодлик" никоҳ уйида "Оила – муқаддас даргоҳ" деб номланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.**

Мазкур тадбир "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида уюштирилган бўлиб, унга эндигина мустақил ҳаёт оstonасига қадам қўяётган ёш келин-куёвлар ҳамда мутасадди ташкилотлар ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари таклиф этилдилар.

Йиғилишда сўзга чиққан Тошкент шаҳар 2-сонли "Шодлик" никоҳ уйи мудираси Раъно Карабаева, Юнусобод тумани кўптармоқли Марказий поликлиникаси шифокори Зулхумор Исроилова, "Собитхон ҳожи" жомеъ масжиди имом-хатиби Абдуқасҳор қори Юнусов, Оилавий психология маркази директори, "Оила академияси" дастури бўйича эксперт Инна Орлова ва бошқалар ёшларимизнинг овоз ва обод дийримизда ҳукм сураётган тинчликнинг қадрига етишлари кераклиги, оиланинг муқаддаслиги ва уни асраб-авайлаш зарурлиги, қолаверса, ота-оналар ва маҳалла-қўйнинг ҳам бу борада масъул эканлиги ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

– Бу каби тадбирларни ўтказишимиздан асосий мақсад, никоҳдан ўтаётган ёшларимизнинг қалбиди муқаддас тушунчаларни шакллантиришдан иборат. Чунки, миллатимизга хос бўлган оилапарварлик, меҳнатсеварлик, бағрикенгликни йигит-қизларимиз ота-оналаридан ўрганишлари керак. Энг асосийси, ёшларимиз турмуш қуришдан олдин "оила" тушунчасининг нима эканлигини тўлиқ

бўлишига қарамай, жамоат ташкилотларининг фаолияти шу пайтга қадар қутилган самарани бермаган. Оқибатда йиллар давомида жойларда оила ва ижтимоий-маънавий муҳит йўналишида турли салбий ҳолатлар кўпайиб борган.

Бу борадаги фаолиятни қайта қўриб чиқиб, оилаларни мустаҳкамлаш, ажримларнинг олдини олиш мақсадида Хотин-қизлар қўмитаси ва "Маҳалла" жамоат фонди томонидан қўшма қарор қабул қилиниб, чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Унга қўра, ҳар чоршанба кўни ажралиш учун судга ариза берган оилалар маҳалла идорасига қақиртирилиб, улар билан тушунириш ишлари олиб боришмоқда.

– Уйма-уй юриб ўрганилганда оилалар парокандалигига қандай муаммолар кўпроқ салбий таъсир кўрсатаётгани таҳлил қилинганми?

– Президентимиз томонидан илгари сурилган "Халқ билан мулоқот" гоёсининг бош мақсади – шу. Одамларнинг дардини эшитиш, уларни қийнаётган муаммоларга ечим топишдан иборат. Оилага тааллуқли бўлган ҳар қандай муаммо унинг ижтимоий-маънавий муҳитига қайсида маънода таъсир қилади. Эр ёки хотиннинг ишсизлиги, айрим оилаларнинг уй-жойга эга эмаслиги, фарзандлар тарбиясидаги ноқисликлар, эркак ёки аёлнинг жиноятга қўл ургани, яқин қариндошлар ўртасидаги келишмовчиликлар – булар оилавий муносабатларга таъсир кўрсатмай қолмайди.

Худудларга чиқиб, ота-оналар ва ёшлар билан учра-

## ОИЛА БУ – "БИЗ" ДЕГАНИ

шиб, ажримлар сабабини ўрганганимизда қайноналарнинг ортиқча даражада талабчанлиги, ёшларнинг оилага енгил-елпи қараётгани, сабрсизлиги, муомала ва тинглаш маданиятига эга эмаслиги оқибатида ҳам оилалар бузилаётганига ғувоҳ бўлдик.

– Кейинги пайтда қизларнинг оила қуришга тайёр эмаслиги ажримларга кўпроқ сабаб бўлаётгани айтилмоқда.

– Йигитлар-чи? Уларнинг оила қуришга ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан тайёр эмаслиги-чи? Шу боис фақат қизларни эмас, йигитларни ҳам оилага тайёрлаш юзасидан амалий чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Лекин оилавий масалаларни катталар, асосан қайноналар ҳал қилишни унутмаслигимиз керак. Самимий муҳит яратиби, оила аъзоларини жипслаштирадиган ҳам, низоли вазиятларни юзга келтириб, оила қўт-баракасини, тинчини бузадиган ҳам катталар.

Ота-боболаримиз келин тушганидан сўнг 40 кун чила сақлаган. Шу даврда қайноналар келинчаки ёнига олиб, рўзгорининг паст-баландини, уйдаги шароитини ўргатган. Афсуски, бугунги замонавий қайноналарнинг айримлари ҳали ёш, тажрибасиз бўлгани сабабли келинларга қандай муносабатда бўлишни билмайди. Кўпни қўрган, нуроний қайноналарнинг тажрибасини оммалаштириш, уларнинг оила тутуми, келин ва фарзандларга муомала муносабатлардаги ҳаётий сабоқларини ёш қайноналар ўртасида кенг тарғиб этиш, оилаларда соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш мақсадида 8 мингдан ортиқ маҳалла фуқаролар йиғинларида "Қайноналар кенгаши" жамоат тузилмаси ташкил этилди. Мазкур жамоат тузилмалари фаолият Тошкент ва Андижон вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳрида яхши йўлга қўйилган бўлиб, улар фаолияти, амалга ошираётган ишлари Хотин-қизлар қўмитаси вакиллари томонидан ўрганиб боришмоқда.

"Қайноналар кенгаши" томонидан "Муқаддас оила" гоёси остида "Бахтли оила", "Мустаҳкам оила", "Фаровон оила", "Намунали оила" тушунчаларининг мазмун-



## МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР

англаган ҳолда никоҳдан ўтсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди, — дейди Тошкент шаҳар 2-сонли "Шодлик" никоҳ уйи ходими Нилуфар Насриддинова.

Шу боис тадбирда иштирок этган бир гуруҳ ёшларимизнинг фикрларини библиш мақсадида уларга юзландик.

– Ҳозирги йиғилишдан биз тиббий қўриқдан ўтишнинг ўзимиз учун ўта муҳимлигини англадик. Бу эса ўз навбатида, бўлажак жуфтингизнинг соғлигидан бохабар бўлишингиз билан келгусида соғлом оила барпо этиб, жамиятимизга соғлом, бақувват ва барқамол авлодни етиштириб беришда муҳим оимл ҳисобланади, — дейди Миродил Маҳамов.

Тадбирда соҳа мутахассислари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августда қабул қилиниб, 365-сонли қарори

билан тасдиқланган "Никоҳланувчи шахсларни тиббий қўриқдан ўтказиш тўғрисида"ги Низомга қўра, барча фуқаролар ФХДЭ органларига никоҳга кириш учун ариза бергач, тиббий қўриқдан ўтиш учун йўланма олишлари ва белгиланган тартибда ўз соломатликларини текширтириб қўришлари шарт эканлиги ҳақида батафсил тушунчалар беришди.

Шунингдек, йиғилишда "Оиланинг мустаҳкамлиги — ўзаро муносабатларнинг тотувлигидадир", "Никоҳдан аввалги тиббий қўриқнинг аҳамияти", "Соғлом бола — мустаҳкам тараққиёт гарови" каби мавзулардаги маърузалар йиғилганлар ҳузурига ҳавола қилинди.

Учрашув якунида тадбир иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволлар бўйича мутахассислардан атрофлича жавоблар олишди.

**Бахтиёр ЖўРАЕВ**

моҳиятини тушунириш мақсадида самимий суҳбатлар ташкил этилмоқда.

Мустақил ҳаёт бўсағасида турган қизлар ўртасида "Қайноналик илми ва санъати", "Келинлик илми" ҳақида ҳам суҳбатлар уюштирилмоқда.

– Маълумотларга қўра, 2016 йилда биргина Самарқанд вилояти судларида оилавий муаммолар бўйича беш мингдан зиёд иш қўрилган. Афсуски, уларнинг 70 фоизи ажралиш билан якунланган. Фақат ўн фоиз оилаларгина маҳаллалардаги яраштириш комиссияларини саъй-ҳаракати туфайли сақлаб қолingan.

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ маҳаллаларда тузилган Яраштириш комиссияларининг бош вазифаси оилавий ажралишларнинг олдини олишдан иборат.

Бироқ, Яраштириш комиссиялари ўз вазифаларини етарли даражада бажармаётгани сўнгги пайтда кўп танқид қилинмоқда. Ҳақиқатан ҳам уларнинг иши ёнгиндан кейин етиб келган ўт ўчирувчиларни эслатади. Эр-хотин ажралиб бўлганидан кейин ҳисобот учун ажрим сабабларини қайд қилишнинг қимга кераги бор?

Шу боис фуқаролар йиғинларидаги Яраштириш комиссиялари фаолияти ҳам тубдан қайта қўриб чиқилмоқда. Улар таркибига маҳалладаги фидойи, обрўли, бошқаларга таъсир кўрсата оладиган кекса-нуронийлар жалб этилаётди.

Худудларда ўтказилаётган мулоқотлар давомида шу нарсига амин бўлдики, агар маҳаллалар қошида ташкил этилган Яраштириш комиссиялари фаолиятини жонлантириб, уларга маҳалладаги энг намунали оила вакиллари ва фаол аёллар жалб этилса, арзimas сабаблар билан бошланган келишмовчилик қайнона-келинларга тўғри тушунирилса, оилалар бузилишининг олдини олиш мумкин. Масалан, Яраштириш комиссиялари аралашуви билан Қашқадарё вилоятида 300 дан зиёд оила сақлаб қолingan. Бундай рақамларни ҳар бир вилоят мисолида келтириш мумкин.

– Рақамлар, деганингизга бир рақамга – 2017 йилнинг олти ойи якунларига қўра мамлакат бўйича 15 минг 106 оилавий ажрим қайд этилганига эътиборингизни қаратмоқчиман. Бу рақам худудлар бўйича таҳлил қилинганми?

– Албатта, таҳлил қилинган. Оила билан боғлиқ бундай ноҳус ҳолатлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 912 тага қамайган. Тошкент шаҳрида бу кўрсаткич 981 тага қамайганини таъкидлаш мумкин. Тошкент, Фарғона, Жиззах, Наманган вилоятларида ҳам ажримлар анча қамайган. Бироқ Андижон, Самарқанд, Хоразм, Сурхондарё вилоятларидаги ҳолат қониқарли эмас.

Ҳар бир рақам инсон тақдирига дахлдор эканини, ҳар бир рақам ортида отасиз ё онасиз қолган гўдак кўз ёш тўкиб турганини унутмаслигимиз лозим. Оила қуриш ёки ажралиш икки инсоннинг шахсий иши эмас. Қимда ким: "Истасак бирга яшаймиз, истамасак ажрашамиз", деб ўйласа, қаттиқ янглишди. Ҳар бир оила давлат ҳимоясидадир. Қайсидир томоннинг қалтабин қарори туфайли оила ришталари узилшига, фарзандлар саргардон бўлиб қолишига жамият жим қараб турмайди.

Қиладиган ишларимиз ҳали жуда кўп. Айниқса, бу ҳолатнинг ёш оилалар ўртасида кўп кузатилаётгани, улар оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги бу борада олиб бораётган ишларимиз қониқарсиз эканини кўрсатади.

Халқимиз уйдаги гапни қўчага чиқармайдиган, оиласининг тинчлигини, хотиржамлигини ҳамма нарсадан устун деб биладиган ориятли халқ. Шу боис қиз бола палаҳмон тошига менгзалади. Келин бўлиб ўзатилаётган қизларимиз ортидан "Борган жойингда тошдек қот, униб-ўс, палак ёш. Ўғилларингни ўтов, қизларингни қишлоқ қил", деб дуо қилинади. Момоларимиз ёш келинларга: "Тушган хонадонингда сув келса симириб, тош келса кемириб яшагин", "Қийинчиликларга дуч келганингда қўрагингга муштлаб, ўзингга сабр тилаб тургин, болам", деб насихат қилади.

Оилани мустаҳкамлашга хонадоннинг ҳар бир аъзоси масъул эканини унутмаслик лозим. Қайноналар ҳам, келинлар ҳам, ота-ўғиллар, қудалар ҳам бир-бирларининг хатоларидан фожиа ясамай, оилани асраб қолиш учун астойдил ҳаракат қилсалар, бундай хонадон чинакам меҳр-муҳаббат масканига айланади.

## ИНТЕРНЕТ ВА ЁШЛАР

**Юртимизда кейинги пайтларда ахборот технологияларининг ўрни тобора ортиб бормоқда. Деярли ҳар бир соҳа вакиллари бугун АКТнинг имкониятларидан беминнат фойдаланиб келмоқда. Интернет одамларга шу даражада қўлайликлар яратдики, бугун у орқали кўпгина ишлар тез ва осон битмоқда.**

Турли маълумотлар, ҳисоботлар, хабарларни етказиш, қабул қилиш, тўловларни тўлаш, барча идора ва ташкилотлар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш, қисқаси, бу рўйхатни узок давом эттириш мумкин. Интернет – кенг имкониятлар масканидир. Аммо у шу даражада ривожланиб бормоқдаки, миллионлаб инсонларнинг хатти-ҳаракати, дунёқараши, ижтимоий-сиёсий онги, қолаверса, тақдирига бевосита таъсир этмоқда.

Шу ўринда бир нарсани айтиш лозимки, ахборот технологиялари ривожланиб, интернетдан фойдаланувчиларнинг сони кўпайгани сайин ёшларни турли таҳдидлардан, ёт гоёлардан асраш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Ахборот оламидан тўғри фойдаланишни билмайларган кўплаб ёшларимиз ўзи англамаган ҳолда турли хил ижтимоий оқимларга кириб қолишмоқда. Миллий менталитетимиз ва ўзбекона урф-одатларимизга мос бўлмаган ўйинлар уларнинг тарбиясига салбий таъсир этмоқда.

Албатта, интернет ва замонавий технологияларнинг ҳам инкор қилиб бўлмайдиган утуқлари бор. Бугунги кунда энг тез ахборот етказуви бу интернет ҳисобланади. Ахборот эса ҳозирги глобаллашув даврида нефть, газ, олтин ва шу каби қимматбаҳо табиий бойликлардан юқориқроқ баҳоланади. Биринчи бўлиб ахборотга эга бўлганлар бошқалардан бир қадам олдинда ҳисобланади. Бироқ борган сари интернет ўз зиммасига юклатилган вазифани эмас, балки ундан ҳеч қим қутмаган вазифаларни бажармоқда. Одамлар, давлатлар ўртасида уруш-жанжаллар келтириб чиқариш, бирини бошқасига қайраш ёки ёмон қилиб кўрсатиш каби қабих ишларда ҳам интернетдан фойдаланмоқдалар.

Доно халқимизда "бир яхшининг бир ёмони бор", деган ажойиб нақл юради. Замонавий технологияларнинг ривожланиши, интернетнинг ҳаётимизда тобора кўп ўрин эгаллаши китоб мутлола қилишнинг борган сари қамайиб боришига олиб келмаётганими? Замонавий технологиялар ривожланмаган даврларда ўз ақлзаковати билан шухрат қозонган Беруний, Алишер Навоий, Бобур, Мирзо Улуғбек каби мутафаккир боболаримиз ўз замонасининг етук алломалари бўлиб етишиб чиққан. Улар бу даражада китоб мутлола қилиш, изланиш ва интилишлари орқали эришганлар. Тўғри, интернет орқали хоҳлаган китобни топиб ўқиш мумкин. Қутубхонама кутубхона сарсон бўлиб юрмайсиз. Бироқ, бу ҳолат ёшларда даңгасаликни келтириб чиқармайдими, қийинчиликлардан қочиб, енгилликларга интиладиган қилиб қўймайдими?

Китоб азалдан инсонга дўст, ҳамроҳ ҳисобланади. У одамларга ҳам маънан, ҳам руҳан озуқа бера олади. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил январь ойида эълон қилинган китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутлолааси ва китобхонлик маданиятини оширишга доир фармойиши бу йўналишдаги ишларни янада ривожлантиришда муҳим оимл бўлиб хизмат қилмоқда. Амалга оширилаётган бу каби ишлар ўсиб келаётган авлодни маънавиятли, илмли, дунёқараши кенг, юртимиз равнақи йўлида хизмат қиладиган қомил инсонлар бўлиб етишишига қаратилган.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, маънавий имунитетга эга бўлган инсонга ҳеч қандай ташқи қуч таъсир қила олмайди, маънавий имунитетнинг асоси илм, илмининг макони китобдир. Ҳаётимиздаги ҳар бир нарсанинг ўз ўрни мавжуд, шу боис интернетнинг ижобий имкониятларидан фойдалансак мақсадга мувофиқ бўларди.

**Шахрибону УМРБОЕВА,**  
**ЎЗМУ қошидаги 1-сонли академик лицей ўқувчиси**

## Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети томонидан 2014 йилда Силтонов Азизжон Илҳом ўғли номига берилган В №725250-сонли диплом ва иловаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

## “ТОШКЕНТ ОҚШОМИ” ва “ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ”

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кўни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.**



## Спорт янгиликлари

### ПАРАЛИМПИАЧЛАРИМИЗНИНГ ЛОНДОНДАГИ ҒАЛАБАЛАРИ

**Буюк Британиянинг Лондон шахрида энгил атлетика бўйича паралимпиячилар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида мамлакатимиз спортчилари 3 олтин ва 4 кумуш медални қўлга киритди.**

Нуфузли мусобақанинг диск отиш бахсларида тажрибали спортчимиз Хусниддин Норбеков олтин медални қўлга киритгани ҳақида аввал хабар берган эдик. У ядро улоқтириш бахсларида ҳам муваффақиятли иштирок этиб, 14,87 метр натижа билан кумуш медалга сазовор бўлди.

Чемпионатнинг узунликка сакраш бахсларида Дониёр Солиев 7,18 метр натижа билан Осиё рекордини янгилаб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Эркаклар ўртасидаги найза улоқтириш бахсларида иштирок этган Александр Свечников 71,01 метр натижа билан олтин медални қўлга киритиб, жаҳон рекордини янгилади. Хотин-қизлар ўртасидаги бахсларда Нозима Қажонова кумуш медал билан тақдирланди.

Хотин-қизлар ўртасидаги ядро улоқтириш бахсларида қатнашган яна бир атлетимиз София Бурхонова 14,76 метр натижа билан иккинчи ўринни эгаллади. У диск отиш бахсларида ҳам ўз маҳоратини намойиш этиб, кумуш медални қўлга киритди.

Б.АЙТМУРОВОВ

## СПОРТГА ОШНО ЁШЛАР

**Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 70-умумтаълим мактабида "Мен спортни танлайман" шиори остида ёшлар билан учрашув ташкил этилди.**

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ва Ўзбекистон пенчак силат федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган учрашувда мамлакатимизда ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишини таъминлашнинг муҳим воситаси сифатида спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Бугунги кунда спорт ёшларимиз ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Ўртимизда қад ростлаган замонавий спорт мажмуалари ўғил-қизлар билан гавжум. Ёшларнинг ўзлари қизиққан спорт турлари билан мунтазам шуғулланиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқариш учун барча шароит яратилган. Давла-

тимиз раҳбарининг жорий йил 3 июндаги "Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишларни янада юксак босқичга кўтаришда муҳим дастуруламал бўлаётди.

Тадбирда пенчак силат спорт тури бўйича халқаро майдонларда юқори натижаларга эришадиган спортчилар спортнинг инсон ҳаёти, саломатлиги, жамиятда ўз ўрнини топишдаги аҳамияти ҳақида ёшларга сўзлаб берди. Спортчилар томонидан турли спорт намойишлари, эстрада хонандаларнинг концерт дастури йилгиланларга байрамона кайфият бағишлади.

Г.САТТОРОВА,  
ЎзА мухбири

**Профессионал боксчилик фаолиятини Америка Қўшма Штатларида давом эттираётган тажрибали чарм қўлқоп усталари — Баҳодир Мамажонов ва Аҳрор Муралимов навбатдаги жанглари 29 июль кунини ўтказди.**

### ЎЗБЕК БОКСЧИЛАРИ АҚШДА РИНГГА ЧИҚАДИ

2011 йилдан буён профессионал бокс жангларида қатнашаётган Баҳодир Мамажонов 19 та ғалаба (11 нокаут) ва учта мағлубият қайд этган. Фаолияти давомида Майкл Кларк, Дарлейс Перез, Анжело Сантана, Ричард Коммей, ДеМаркус Корлей ва Мейсон

Менард каби кучли боксчиларга қарши жанг ўтказган.

Ўта оғир вазни боксчимиз Аҳрор Муралимов 2010 йилдан буён кетма-кет 16 марта зафар қучган (13 та нокаут) ва сўнгги икки жангда қутилмаганда мағлубиятга учраган.

## "ПАХТАКОР" ОЗАРБАЙЖОН КЛУБИНИ МАҒЛУБ ЭТДИ

**Туркиянинг Измир шахрида иккинчи даврага тайёргарлик кўраётган "Пахтакор" клуби ушбу йилдаги биринчи назорат беллашувида "Сабаил"дан 4:1 ҳисобида устун келди.**

Озарбайжон суперлигаси иштирокчисига қарши учрашувда ташаббусга эришган "шерлар" йирик натижа билан ғалаба қозонишди. Азим Аҳмедов тўпни рақибдан олиб қўйгач,

дарвозани ишғол қилган бўлса, Симич Канюкнинг жаримадан оширган тўпини дарвозага аниқ йўналтирди. Рақиб биринчи бўлимда бир гол билан жавоб берди.

Танафусдан сўнг тўп яна рақибдан олиб қўйилгач, бу сафар Ўринбоев зафар қучди. Искандеров эса майдон маркази атрофидан жарима зарбасини дарвозага йўлади.

## НАВБАТДАГИ СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ

**Ўзбекистон Футбол Федерацияси Осиё Футбол Конфедерацияси ҳамда Швейцариянинг "Empower Sports" компанияси билан ҳамкорликда янги лойиҳани амалга ошириш борасида шартнома имзолади.**

Келишувга кўра, иккинчи даврдан бошлаб Ўзбекистон чемпионати Олий лига учрашувларининг тўғридан-тўғри трансляциялари "Empower Sports" компаниясига тегишли "Muscioo.tv" сайтида, Олий лига клублари расмий сайтлари, ижтимоий тармоқларидаги саҳифаларида бир пайтнинг ўзига трансляция қилинади.

Шу муносабат билан 23-24 июль кунлари Тошкентдаги "Raddison Blu Hotel" меҳмонхонасида Олий лига иштирокчи жамоалари вакиллари учун махсус семинар ташкил этилди. Семинар "Empower Sports" компанияси вакиллари Диего Компаире ва Даниэль Портабелла томонидан олиб борилди.

Унда Швейцария компаниясининг махсус интернет-платформаси бўлган "Muscioo.tv" сайтида футбол ўйинларини қай тариқа жонли эфирга узатиш борасида тушунтириш ишлари олиб борилди.

Семинар якунида ЎФФ бош котиби Сардор Рахматуллаев сўзга чиқиб, бошланган ҳамкорлик Ўзбекистон футбол ривожланишига катта ҳисса қўишини таъкидлади. ЎзПФЛ бош директори Фарҳод Мамаметов Ўзбекистонга ташриф буюриб, ўз маҳорати билан бўлишган меҳмонларга миннатдорчилик билдирди ва эсдалик совғаларини топширди.

Ботир ХҲЖАЕВ

## Кўргазмалар

### БИЗНИНГ БОҚИЙ МЕРОСИМИЗ

**Ўзбекистон Бадий академияси кўргазмалар залида "Бизнинг мерос" туркумидан "Ўзбекистон санъат усталарининг ретроспектив кўргазмаси очилди.**

Унда тасвирий санъат ихлосмандлари, мусавирлар ва журналистлар иштирок этди. Ўзбекистон Бадий академияси раиси А.Нуриддинов ва бошқалар Ўзбекистон санъат усталари қолдирган бой ижодий мерос ёш рассомларнинг ўз йўли ва услубини янада серқирра қилиши, ўқиб, ўрганиши, изланиши ва бетакрор санъат асарларини яратишида муҳим омил бўлиб хизмат қилишини таъкидлади.

Кўргазмада рангтасвир, графика ва ҳайкалтарош усталар М.Аринин, В.Еремян, А.Николаев, В.Рожественский, И.Гартаван, М.Тўхтаев, Н.Бандзеладе, Ю.Талдикин каби рассомларнинг турли жанрдаги энг сара асарлари намойиш этил-

ди. Ҳар бир экспозиция ўзига хос услубда ишланган бўлиб, уларда тарихимиз, маданият, санъат ва халқимизнинг ҳаёти тўлақонли ўз аксини топган.

Шу билан бирга суратларда усталарнинг ҳаёти ва ижодлари, миллий қадриятларимиз, урф-одат ва умуминсоний қазиларимиз уйғунлиги бир-бирини қамраб олган ҳолда тасвирланган.


Тадбирда бадий кўргазмалар дирекцияси, расомлар архиви ва шахсий коллекциялардан келтирилган уч юзга яқин асарлар ўрин олган.

## ДОИРАДАГИ ЁҒДУ

**Тошкент Фотосуратлар уйида очилган кўргазма "Доирадаги ёғду" деб номланди.**

Унда ёш ижодкорларнинг тасвирий санъатнинг бир неча турларида, техник ва тасвирий воситалар ёрдамида томошабинга ёғдуга нисбатан бўлган ҳиссиётлари намойиш этилган.

Кўргазмани кўздан кечирар экансиз, томошабин ўзи хис қилган, бироқ сўз билан ифода этолмаган туйғуларни тушуниб етиши, абадий яхшилик ва ёмонлик, ҳаёт ва ўлим ҳақида мушоҳада юри-тиши, ҳалигача кашф этиб тугатилмаган инсоният-



нинг барҳаёт қадриятларидан завқланиши ва бу оламнинг нақадар мафтункор ва гўзал эканлигини англаб етиши мумкин.

Кўргазмада Т.Фадеевнинг "Муқаддас оила", Н.Латипованин "Ёруғликка", Т.Рахметовнинг "Кашфиёт", "Ёғду" каби асарлари ҳар бир инсонни ўйга толдиради ва энг гўзал, нафис туйғуларга ошно этади.

Кўргазмада ёш, иқтидорли мўйқалам соҳибларининг 40 га яқин асарлари намойиш этилмоқда. Кўргазма 31 июлга қадар давом этади.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА  
СУРАТДА: кўргазмадан лавҳа  
А.Попов олган сурат

## "101"

### ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИНГ!

**Ёнгин қай тарзда юзага келишига қарамай, ўзининг мудҳиш изини қолдиради. Корхона ва ташкилотларда содир бўлган ёнгинлар ҳодимларнинг самарали меҳнат фаолиятига зарар етказиши билан бирга иқтисодиётга ҳам салбий таъсир этади.**

Бундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун эса ҳар биримиз ёнгинга қарши фаол кураш олиб боришимиз зарур. Корхона-ташкilotлар, шунингдек, аҳоли турар жойларида оддийгина ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш орқали жуда катта йўқотишларнинг олдини олган бўламиз. Арзимас-дек туюлган носозлик ҳам ёнгинга сабаб бўлишини унутмаслик лозим.

Д.ҲАСАНОВ,  
"Восток" ИИЧБ ДУК объектлари ёнгиндан муҳофаза қилувчи Ёнгин хавфсизлиги бўлинимасига бўйсунувчи 26-ХЕХК смена бошлиғи, капитан

**Ҳеч кимга сир эмас, аксарият ёнгинлар айнан аҳоли гавжум маҳаллаларда содир этилмоқда. Қайнаб турган қозонда овқат қолиши, сигарета чекиб, ухлаб қолиш, том қисмида тез ёнувчи моддаларни сақлаш ва бошқалар айнан ёнгинга сабабчидир.**

Ачинарлиси, бир хонадонда уй ёниб том орқали қўшни хонадонга ҳам бемалол ўтади. Сабаби — уйлар бир-бирига жипс тарзда қурилишидир. Ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинганда, хонадонлар ораси камида олти метр масофада қурилиши лозим.

Юқорида келтирилган хавфсизлик ва ёнгин хавфсизлиги қоида талабларига риоя қилиш билан сиз уй-жойингиз, мол-мулкнингиз, яқинларингиз ҳаёти-ни ёнгин балосидан асраган бўласиз.

А.ТУРСУНОВ,  
Ўтепа тумани Ёнгин хавфсизлиги бўлими бошлиғи, подполковник

**Хонадонларда ёнгин хавфини келтириб чиқарувчи омиллардан маст ҳолда сигарета чекиш, носоз электр ва газ мосламаларидан фойдаланиш, болаларни назоратсиз қолдириш саналади.**

Шу билан бирга учкун текканда ёниб кетадиган айрим нарсалар борки, уларни печкалар ёнида сақлаш асло мумкин эмас.

Олов баъзи пайтларда кишиларнинг соғлиғига, инсонларнинг мол-мулкига путур етказадиган оғатдир. Шунинг учун биз ундан энг аввало эҳтиётлик билан фойдаланиб, ўзимиз, яқинларимиз ва уй-жойимизни асраш учун доимо ҳушёр бўлишимиз лозим.

И.ХУСАНОВ,  
ЎХБ инспектори, сержант

**Аҳоли орасида яшаш жойи ва кўчалар атрофини қуриган ўтлардан тозалаб, йиғилиб қолганларини махсус ажратилган жойларга олиб чиқиш лозимлигига эътибор қилмайдиганлар топилади.**

Ўз навбатида осонгина ёқиб юборилади. Арзимас бўлиб кўринган гулхан, учирилмаган сигарета қолдиқлари, болаларнинг кўчада гугурт ўйнашлари оқибатларида катта талафотларга сабаб бўлувчи ёнгин келиб чиқади. Натижада инсонлар тан жароҳати олишади, моддий зарар кўради.

"Тилсиз ёв" билан курашиш факатгина ёнгин хавфсизлиги хизмати ҳодимларининг эмас, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Х.НАСИРОВ,  
Ёнгин хавфсизлиги бўлинимаси инспектори, сержант



25, кундузи — 40-42 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 27 июлда Тошкент

Тошкент шахрида 27 июль кунини ҳаво ўзгариб туради, ёнғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 23-

шахрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР  
ҲОКИМЛИГИ

Манзил: 100029,  
Тошкент шахри,  
Матбуотчилар кўчаси. 32



Бизнинг электрон манзил:  
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 735

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Эълонлар: (0-371) 233-28-95.  
факс: (0-371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кунлари чиқади  
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот бошқармасида  
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди.  
5233 нусхада босилди.  
Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки  
«Тошкент почтаси»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонаси. Корхона  
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир  
Акматали АҚРОМОВ

Босишга топширилди: 13.40